

1915268440-сон

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Бекобод ш

2022-йил "24" 01

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) Тошкент филиали Бекобод телекоммуникация боғламаси номидан 2021-йил 5-январь кундаги 27-01-14/18-сон ишнинг асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Тошкент филиали Бекобод телекоммуникация боғламаси раҳбари М.М.Хайтов (кейинги ўринларда — Оператор) бир томондан ва Бекобод шаҳар ИСМ номидан (Низом, руйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ш.Ҳ. Ҳ. Шайхидов (кейинги ўринларда - Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши буйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) тuzдилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ Ўзбектелеком акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тuzди:

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцепт)ни ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳ.у.қуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари га катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кунни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдоридан олдиндан туланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳақми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 4200000 (Етти юз қирқ миқда миң) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 2400000 (Чекки юз қирқ миқда миң) сўм миқдоридаги ҳар ойлик Абонент тўловини ҳамда, сўм миқдоридаги бир маргалик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортикча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк кунни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура буйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жаводгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва шартларда жавобгар булади (Томонларга инебатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлиқ масалалар буйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда узаро келишув орқали ҳал қилинади.

Томонлар уртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни узаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида қуриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мажкур Шартноманинг амал қилиш даврида уз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар қурмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини солиқ этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, узаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросясиз курашни чораларини қурлади.

6.2. Мажкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг продаеси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда, аҳоли ходисаларида (енгиб бўлмайдиган қўчлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф қуришидаги мурожаати қўчи билан 30 (уттиз) кун давомида қуриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни қуриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муволифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, қучга қиради ва 2022 йили 21.12 ойига қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таътиб этилган) уз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида руйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йили 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцентини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтда эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг маъзиллари ва банк реқвизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) узгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг узгариши ва бошқа узгаришлар руй берган тақдирда Шартнома уз қучида қолади. Томонлар бундай узгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхада им берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реқвизитлари:

ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Бекобод телекоммуникация боғламаси	АБОНЕНТ:
Манзил: Тошкент вилояти Бекобод шаҳар А.Темур 1А	Манзил: <u>Бекобод шаҳар Давлат</u> <u>Салиқ инспекцияси</u>
Банк маълумотлари: x/p: 20210000304074838236	Банк маълумотлари: x/p: <u>23462000360100001010</u> <u>ИЧР100010860274134011332093001</u>
СТИР: 203366731	СТИР: <u>201122919</u>
МФО: 00401 АТБ "Алокабанк" Тел: 709132099	МФО: <u>00014 МБББ Тошкент ш. ж.к.к.</u> Тел: <u>(70) 214-19-16</u> <u>ИЧ 200461466 ОКВАУ 97150</u>
E-mail: b2b@uztelecom.uz	E-mail: <u>[Signature]</u>
Раҳбар: <u>[Signature]</u> М.М.Хантов	Раҳбар: <u>[Signature]</u> И.К. Ғилмушев
М.у.	М.у.



TOSHKENT VILOYATI DAVLA
SOLIQ BOSHQARMASI
YURIDIK BO'YIM № 14
IMZO [Signature] 24.01.22

1915 268 440 2022- йил "24" 01
 -сонли абонент шартномасига
 1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

I. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (-ўм)

т/р	Хизматларноми	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
I.1	Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (технологияси бўйича)	----	Нархнома	---	----
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
II.1	"Corporate-1" тариф режаси бўйича 4 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги. Соат 19:00 дан 00:00 гача 1мб/с	240000.00	Нархнома	1	240000
Жами (олдиндан тўлов)					240000

Жами олдиндан тўлов миқдори 240000 (икки юз қирқ минг) сўм, шу жумладан ҚҚС 15 % миқдориди.

Шартноманинг умумий миқдори: $240000 \times 3 = 720000$ (Етти юз йирик минг) сўмни ташкил этади. Ундан 240000 (икки юз қирқ минг) сўм миқдориди ҳар ойлик абонент тўлови, ҳамда --- сўм бир мартабалик технология бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:

АБОНЕНТ:

“Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали
 Бекобод телекоммуникация боғламаси

Бекобод шаҳар ДСЧ

Рахбар
/имзо/
М.Ҳ.

М.М.Хантов

Ш. Ғишуров



TOSHKENT VILOYATI DAVLAT
 SOLIQ BOSHQARMASI
 YURIDIK BO'LIM № 14
 IMZO Shir 24. 01 2022 y.